

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Andijonyog'moy" AJ

Объявление

"ANDIJONYOG'MOY" AKSIYADORLIK JAMIYATI

“АНДИЖОНЁҒМОЙ” АЖ

“АНДИЖОНЁҒМОЙ”

акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси лавозими учун

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

"Андижонёғмой" акциядорлик жамияти "Андижонёғмой" АЖнинг Бошқарув раиси лавозимига номзодларни танлаш бўйича танловда иштирок этишни таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 24-апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқа-руви усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сонли фармонида, "Андижонёғмой" АЖ уставига мувофиқ бошқарув раиси лавозимига номзодлар танловини эълон қилинади.

Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек ушбу танловда иштирок этиш истагини билдирган хорижий давлатларнинг фуқаролари таклиф этилади.

Номзодга қўйиладиган талаблар:

- олий техник ёки муҳандислик-иқтисодий маълумотларга эга бўлиши;
- раҳбарлик (и/ч бўлимларида) лавозимларида камида 2 йиллик иш тажрибасига ега бўлиши;
- меҳнатни ташкил қилишнинг бозор иқтисодиётига асосланган илғор шаклларини билиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш; олтмиш ёшгача бўлиши;
- Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ёки Бошқарув орган раҳбарлари ва аъзолари билан ҳар қандай қариндошлик алоқаларнинг бўлмаслиги;
- иқтисодий ва/ёки бошқарув соҳасида жиноятлар учун сўндирилмаган, судланганлик, шу жумладан чет елга чиқишни чеклашга тақиқ мавжуд емаслиги; Тилларни билиши:

Резидентлар учун: ўзбек ва рус тилларини мукамал билиши, инглиз ва / ёки немис тиллари мақулланди; Норезидентлар учун: рус тилини мукамал билиши, ўзбек, инглиз ва / ёки немис тиллари маъқулланади. Компютер билими: MS Office- ишонч билан фойдаланиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш зарур:

- -ўз қўли билан ёзилган ариза; автобиография (батафсил кўрсатилсин); Меҳнат дафтарчаси нусхаси, касбий маълумотни, иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, сертификатлар;

Хизмат вазифалари:

Акциядорлик жамиятига жорий фаолиятини бошқариш, самарали, бир маъромда, барқарор ва даромадли фаолият юритишини таъминлаш; бизнес-режалар ва ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларнинг қатъий бажарилишини ташкил етиш ва назорат қилиш;

Акциядорлик жамиятининг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, шартномавий мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш; акциядорлик жамиятнинг ривожлантириши ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шунингдек, ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олишни таъминлаш; ходимлар учун ижтимоий кафолатлар ва хавфсиз меҳнат шароитлар яратишни таъминлаш; амалдаги қонунчилик талаблари, ҳукумат фармонлари ва қарорлари, шунингдек, жамият ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш. Бундан ташқари, [www. www. andiyogmoj @ inbox ru.\(www. Andijonyogmoj.uz\)](http://www.andiyogmoj.ru) веб-сайтида "Андижонёғмой" АЖ бошқарув раиси лавозимига конкурс асосидаги танлови тўғрисида" ги низоми билан танишиб чиқишингизни тавсия қиламиз.

Меҳнат шароитлари:

Иш вақти: 5/2, соат 8:00 дан 17:00 гача. Доимий иш. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ расмийлаштирилади. Иш ҳаққи: штат жадвали билан белгиланган иш ҳаққи ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва бозор механизмларига мувофиқ тўловларни (мукофотлар).

Танловда иштирок етиш учун ҳужжатларни топшириш тартиби: Лавозимга талабгор бўлган номзодларнинг ҳужжатлари (резюме ёки маълумотнома, дипломлар ва гувоҳномалар нусхалари, тавсияномалар, меҳнат дафтарчаси нусхаси, судланмаганлиги тўғрисида гувоҳнома) муҳрланган конвертда Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси 14 уй манзилида қабул қилинади.

Ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги муддати: 22 январ соат 16-00 га қадар ушбу эълон ягона корпоратив маълумот порталида (www.openinfo.uz) эълон қилинган кундан бошлаб.

Танлов бўйича қўшимча маълумотлар учун иштирокчилар 74 223-11-83, 74 223-10-33 телефонлари рақами орқали боғланишлари мумкин.

“Андижонёғмой” АЖ маъмурияти.

07.01.2021

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/10303/>

Дата: 07.05.2026